

АМЕРИКА — ЎЗБЕКИСТОН

Яқинда мамлакатимизга ташриф буюрган Америка Қўшма Штатларининг савдо вазири уринбосари Б. Картер бошчилигидаги АҚШ ҳукумат делегацияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов билан учрашди. Унда Америка делегациясининг раҳбари АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг давлатимиз раҳбарига йўллаган мактубини топширди. Мактубда Ўзбекистон билан АҚШ уртасидаги келгуси муносабатлар тўғрисида дўстона фикрлар билдирилган.

КЎРИК-ТАНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзусида кушиқлар курик-танловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Курик-танловнинг ташкилий қўмитаси, ҳайъати, низоми ва мукофотлари тасдиқланди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Конституция — ҳуқуқий давлат қуришнинг ҳуқуқий пойдевори» мавзусида илмий-амалий конференция бўлди. Унда мамлакатимиз Конституциясининг давлат қурилиш ва бошқарувида, умуман, жамиятимизда тўпдан ўзига хос ўрни, мазмун-моҳиятининг турли қирралари ҳусусида сўз юритилди.

ВАТАН ҚУТЛУҒ МАВЗУ

Асримиз шеърининг забардаст вакилларида бири Абдулла Ориповнинг Термиз Давлат университетида талаба ва


ўқитувчилар билан бўлиб ўтган учрашуви Ватан мавзусига бағишланди. Шоирнинг она Ватан ҳақидаги сузлари, шеърлари учрашув аҳлида еруғ бир таассурот ҳосил қилди. Унда иштирок этган Улугбек номли истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори Исфандиёр Латипов бир гуруҳ қобилиятли талабаларни жамғарманинг фахрий ерлиги ва мукофотлари билан тақдирлади.

ТЕРМИЗГА ЭЛЧИ КЕЛДИ

Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги муваққат элчиси Бхадра Кумар жаноблари Термиз шаҳрига ташриф буюриб, «Сурхон-Алджанта» ўзбек-ҳинд қўшма корхонаси фаолияти билан танишди. Икки мамлакат ҳамкорлигида вужудга келган корхона асосан дори-дармон ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Узро сўхбатлар чоғида ўзбек-ҳинд қўшма корхонасининг истиқболли, ҳамкорлигининг афзал жиҳатлари ҳақида фикрлашиб олинди.

Шу кунги юқори мартабали меҳмонни вилоят ҳокими Жура Норалиев қабул қилди.

ЎзА ва матбуот хабарлари асосида тайёрланди



УШШБУ
СОҶДА:

3-бет

ИБЛИС

5-бет

Канцлернинг

оғирли-

ги

8-бет

Қор

одамни

излаб...

Обуна-96

АЗИЗ МУШТАРИЙ!

Аввало, газетамизнинг ҳар бир сонини қолдирмай ўқиб бораётганингиз, уни ўзингизнинг дилкаш ҳамсуҳбатдошингиз деб билаётганингиздан хурсандмиз. Бунинг учун сизга раҳмат. «Оила ва жамият» келгуси йилда ҳам мунтазам равишда хонадонингизга кириб боришини истасангиз, шўшинг. Шу кунларда газетамизга обуна давом этмоқда. Боболаримиз «Бугунги ишни эртага қўйма» деганлар. Ишончимиз комилки, сиз ҳам бу ибратли ўғитга амал қилган ҳолда, шу бугундан кечиктирмай «Оила ва жамият»га обуна бўласиз.

Обуна баҳоси қуйидагича: 6 ойга — 159 сўм 90 тийин
3 ойга — 79 сўм 95 тийин 1 йилга — 319 сўм 80 тийин

Обуна индекси: 64654

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»ГА
ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

ЕПКАГА ОПИЧИБ ОППОҚ ҚОРЛАРИ.
ТОҒЛАР САЛОМ БЕРАР ҚУЁШГА ПЕШВОЗ.
МОМИҚ ҚУРПАСИГА ЖО ИФОРЛАРИ.
КЕЗИБ, КУЙ БОШЛАЙДИ ҚИШ — ДИПГА ҲАМРОЗ



• Туркистон бир — Ватан бир

КИРГИЗИСТОН САЙЛОВ АРАФАСИДА

Шу йил 24 декабр куни мамлакат Президентлиги сайлов бўлиб ўтади. Марказий сайлов комиссияси томонидан олти номзод рўйхатга олиниб, бюллетенга киритилди. Айни кунларда номзодлар сайловолди ташвиқотининг сўнгги босқичини ўтказишяпти.

ТАЛАБ ОРТИБ БОРМОҚДА

Қозогистон олимлари томонидан яратилган ичимлик сувини тозалаб берувчи ускунага жаҳонда қизиқиш ва талаб ортиб бораёпти. Ҳозирда бу ускуна Германияга етказиб берилаётган бўлса, келгусида харидорлар сифидан Туркия, Хитой куллар кучлари ўрин олиши мумкин. Бу ускунанинг ичмас, фойдаланишда қулай, чидамли ва энг асосийси арзон эканлиги уларга маъқул келди.

ЭНГ МАҚБУЛ ЙҮЛ

Эрон нефтини Тожикистонга келтиришнинг энг маъқул йули Туркменистон ҳудуди эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Агар томонлар бу борада аҳдлашиб олсалар, Туркменистон бу нефтни ўз заводларида қайта ишлаб беришга тайёргилини маълум қилди.

МАХСУС КОМИССИЯ ТУЗИЛДИ

Ашхобод шаҳрида Тожикистон ҳукумати ва мухолифат ўртасида ўтаётган музокараларда танаффус эълон қилинди. Махсус тузилган комиссия музокараларнинг олдинги босқичларида имзоланган аҳдлашувларнинг қай даражада бажарилаётганини текшириб куриш учун мамлакатнинг ҳудудлари бўйлаб расмий сафарга жўнаб кетди. Комиссиянинг ҳуросаси музокараларнинг боришида жиддий аҳамият касб этиши кутилмоқда.

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ ТАДБИР

Қозогистон ички ишлар ходимлари ўтказган «Тартибот» тадбири натижасида бир қатор жиноятлар фожия эъланди. Алматида автомат, тўппонча ва бошқа ўточар қуроллар билан қуролланган гуруҳ қўлга олинди. Омск шаҳрига йўл олган хонимнинг йўл ҳалтасидан бир неча килограмм марихуана топилди. Павлодарда эса машинасининг эшигига икки килограмм марихуана ва 200 грамм опийни устомонлик билан жойлаштирган жанобнинг қўлида қорғош фожия бўлиб, ҳибсга олинди.

МИЛЛИЙ ДАСТУР

Қирғизистонда табиати муҳофаза қилиш Миллий дастури ишлаб чиқилди. Дастур билан таъиниб чиққан Жаҳон банки ва дунёдаги ривожланган 14 донор мамлакат уни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ниятини изҳор этишди.

ЭЗГУЛИККА

ИҶТИМОИЯТ

Мапират аяни излаб боришимга шу йилнинг август ойида Юнусобод тумани ҳокимияти ташаббуси билан «Яхши оила — бахт рамзи» шиори остида ўтказилган «Оила-95» курик — танловига сабаб бўлган эди.

Ая истиқомат қилаётган Обод маҳалласидаги хонадоннинг кунгирогини босганимизда Ойбек деган невараси пешвоз чиқди. Онахон ҳам уйда экан. Бир пиёла чой баҳона биз узоқ суҳбатлашдик. У ҳаёт йулларини сузлаб берар экан, бир нуктага тикилганича маълум вақтгача жим қолади. Сунгра юзига яна табассум югуриб, қуларига зилоллик инди. Сезаманки, ҳаётнинг оғир юкларини ёлғиз ўзи елкалаб манзилга олиб бориш онахонга осон бўлмаган эди.

Дарҳақиқат, Мапират аянинг ҳаёт йули осон кечмади. Унинг болалиги уруш йилларида тўғри келди. Ҳали ўрта мактабнинг еттинчи синфидан ўқиб юрган паллаларидаёқ совхозда табелчи бўлиб ишлаш бошланди.

— Ҳамма эркаклар урушга кетганлиги сабабли барча оғир меҳнатлар аёлларимиз зиммасига қолган эди, — дея болалигини хотирлайди онахон. — Ушанда мен ўрта мактабнинг юқори синфларидан бирида ўқирдим. Хат — саводим ҳам анчагина яхши эди. Бизга бор — йўғи биттагина газета келар эди. Мен шу газетани ишчиларга ўқиб берардим. Мактабни тугатишим арафасида совхозимизда яккаю ягона бўлган мева-сабзавот дўкончасига кириб ишлаш бошладим. Ҳақиқий меҳнат фаолиятим ҳам ушандан кейин бошланди.

Замин чархпалаги тиним билмай айланаверди. Кунлар кетидан ойлар, ойларни қувалаб йиллар ўтаверди. Мапират ая 22 ёшида турмушга чиқди. Умр йўлдоши билан бор-йўғи 15 йил фақат ҳаёт кечирди. Турмуш ўртоғи оламдан ўтганда ая 37 эшда эди. 6 та фарзанди билан қолган ая болаларни боқиб учун

кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлади.

Онахон жамоатчилик ишларида ҳам жонқуяр ва фидоий инсондир. Обод маҳалласидагилар унинг номини ҳурмат-иззат билан тилга олишади. Чунки бу маҳаллага Мапират аянинг кўп хизматлари сингган. У 1966 йилдан бери маҳалла хотин-қизлар кўмитасининг раиси сифатида ишлаб келмоқда.

Мапират ая ҳаётнинг ўнқир-чўнқир йулларини мағрур босиб ўтди. Олти фарзанд — тўрт ўғил, икки қизни ҳам она, ҳам ота бўлиб тарбиялаб вояга етказди. Фарзандларининг ҳаммаси зиёли бўлиб етишди. Катта ўғли

Шухратжон инженер, Одил мунаввир, Ҳикматилла врач, Улугбек эса она касбини эгаллаган — савдо ходими. Қизлари Сурайёхон доришунсо, Мухайёхон эса ҳисобчи — иқтисодчи. Ҳозир онахон ўғил-қизлари, 21 невараси, битта эварасини бағрига олиб бахтли ҳаёт нашадасини сурмоқда.

«Ибратли оила». Бу номга сазовор бўлиш онахоннинг босиб ўтган ҳаёт йулларида берилган энг катта баҳодир.

Абдурашул ПАРДАЕВ

Бу ажиб дунё

АЖОЙИБ МУЗЕЙ

Германиянинг унча катта бўлмаган Эггезин шаҳрида фотоаппаратлар музейи бор. Бу ерда фотография пайдо бўлгандан то шу кунларгача сураткашлик билан боғлиқ турли экспонатлар тўпланган. Бу иш билан қарийб 30 йилдан бери маҳаллий фотограф Эрнс Аменде шугулланиб келмоқда. Биргина фотокамеранинг ўзидан 609 хили бор. Жим-жилоқдек келадиганидан тортиб, то бир неча сонияда суратингизни ҳозирлаб берадиган замонавий аппаратларгача мавжуд.

• Буни ҳар бир оила билиши керак

га мурожаат қилинг. Маълум бўлишича, асфикция, яъни нафас сиқиши натижасида 6 эшгача бўлган болаларда ўлим кўп кузатилади.

3. Пиллапоя, балкон, подваллар тусиқлар билан мустақ

лозим. Болага 3 эшгача сузишни ўргатиш тавсия этилмайди. 3 эшдан юқори бўлган болалар ҳам катталар ёрдамида сузишни ўрганиб, уларнинг доимий назоратида бўлиши керак.

7. Ёш болаларнинг аксарияти уй жониворларини севади ва улар билан уйнамоқчи бўлишади. Бироқ жониворларни

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАР ВА УПАРДАН ОҒОҲПАНТИРИШ



Бола ўйнайиб борган сайин атрофдаги ҳар бир нарсасида унда қизиқиш пайдо бўла бошлайди. Ҳатто улар ўзлари учун хавфли бўлган буюмлар, нарсаларни ҳам қизиқиш билан уйнамоқчи бўлишади. Ҳамма гап шундаки, мурғак тан узининг эҳтиётсизлиги оқибатларини, йўл ҳаракати қоидаларини, бино эки пиллапоянинг баландлигини, дарё эки ариқнинг чуқурлигини, эки олов билан ўйнашнинг зарарлилигини фаҳмламаган ҳолда иш тутайди. Демакки, маълум дақиқага елғиз қолдирилган бола ўзи ва атрофдагиларга жиддий зин келтирмаслигига ҳеч қанча қаролот бера олмайди. Аниқланишича, беш эшгача бўлган болаларнинг 25 фоизи мана шундай бахтсиз ҳодисалар сабаб касалхонага тушиб қаркан.

1. Кучада, автострада ва йул

ларда юрган болалар доим катталар назоратида бўлиши лозим. Чунки ёш болаларнинг йўл ҳодисалари билан боғлиқ жароҳати, ҳалокати барча бахтсиз ҳодисаларнинг деярли ярмини ташкил этади. Шунинг учун болаларни ёшлигидан йўл ҳаракати қоидаларини пухта эгаллашга, светофор билан дўстлаштишга ўргатиш керак. Транспорт қатнайдиغان кучанинг енида ўйнашга рухсат бермаслик лозим. Эмизикли аёл гўдаги билан машинада кетганда ҳимоя камарларини боғлашни унутмаслиги шарт.

2. Болаларнинг майда-чуйда буюмлар билан ўйнамаслиги, уларни озги эки бурнига солимаслигини назорат қилиш лозим. Айниқса, тўнғачи, муңчоқ, майда тош, танга каби буюмларни ютиши эки бурнига солиш унинг саломатлигига, қолаверса, нафас олиш органига жиддий зарар етказиши мумкин. Агар болангиз майда буюмни ютса эки бурнига киритиб юборса, узингизча буюмни чиқариб олишга уринмасдан дарҳол шифокор

камланган ҳолда бўлиши керак. Акс ҳолда ҳеч нарсанинг фаҳмига етмайдиغان гўдак йиқилиб тушиб, қаттиқ жароҳат олиши мумкин.

4. Болаларни электр ва газ плиталарнинг енига ва умуман ошхонага яқин йўлатмаслик лозим. Айниқса, боланинг гўгурт билан ўйнаши ташвишли ҳолдир. Чунки булар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар болангизга ута жиддий зарар етказиши мумкин.

5. Химикатлар, доривор препаратлар, пестицидлар болаларнинг назари тўшмайдиган жойларга яшириб қўйилиши тавсия этилади. Булар сирасига косметика, керосин, сирка кислотаси ҳам кирди. Болаларнинг бу хилдаги заҳарланиши ёш организмдаги фаолиятни издан чиқаради. Болада бундай заҳарланиш сезилган заҳотиёқ, уни қайт қилдиришга мажбур этиш керак.

6. Одатда ёш бола кўпроқ сув билан ўйнашга қизиқади. Аммо кичик болалар чуқур бўлмаган сувликларда ҳам тез гарқ бўлишини ҳисобга олиш

нинг қопиши, зарар етказиши уларнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Шунинг учун болани уй жониворлари билан зинҳор елғиз қолдирманг. Айниқса, жониворлар овқатланаётганда, суяк гажистанда ва ухлаётганда ёш болаларни уларнинг яқинига йўлатманг. Дайдиб юрган ҳар хил жониворларнинг енига йўламаслигини тўшунтириг. Қолаверса, боланинг уй жониворларини қийнашга йўл бермаслик керак. Болага зарар етказилган ҳолда узогги билан икки соат ичида шифокорга мурожаат қилиниши лозим.

8. Болани совуқ урганда ўз вақтида қўрсатилган ёрдам унинг зарарланишининг олдини олиши мумкин. Аввало боланинг совуқ урган жойи спирт билан яхшилаб қиздирилади. Кейин эса бирон мато билан уша жойда қизиллик югуриб, сезувчанлик ҳосил бўлгунча ишқаланади. Қаҳратон совуқларда болангизнинг кучага чиқиб кетишига, юпун кийини юришига йўл қўйманг.

Оллоҳ буюради:

— Айтинг: «Оллоҳ ва пайгамбарга итоат қилингиз!» Агар юз угирсалар, бас, албатта Оллоҳ (бундай) динсизларни севмас» 40/

Оллоҳ имонсизларни севмас, дегани уларни афв этмас, тавбаларини қабул этмас, деганидир. Шунинг учун ҳам кўфри ва кибрлангани тўғрисида Иблис афв этмаган ва тавбасини қабул қилмаганди. Ҳолбуки Ҳз. Одамни афв этиб, тавбасини қабул қилишни буюрганди. Чунки Одам — Салом нафсининг айбдорлигини тан олган ва афсус-надоматлар қилиб нафсини койган эди. Ҳз. Одамнинг қилган гуноҳи аслида у қадар катта гуноҳ бўлмаса ҳам — чунки пайгамбарлар гуноҳдан покланганлар — зоҳиран гуноҳ қилганлар ҳолатидадирлар. Шунинг учун Ҳз. Ҳаво ва у, биргаликда шундай дедилар:

— Улар (Одам ила Ҳаво): «Парвардигоро, бизлар ўз жонимизга жабр-зулм қилдик. Агар бизларни магфират ва раҳм қилмасанг, шубҳасиз, зийн курғувчилардан бўлиб қолурмиз», дедилар. 41/

Ҳз. Одам пушмон бўлди. Катъиян тавба қилиб, Раббининг афвини тилди. Оллоҳнинг раҳматидан асло умид узмади. Шунинг учун ҳам Раббимиз буюради:

— (Эй Мухаммад), Менинг ўз жонларига ҳаддан зиёд зулм қилган бандаларимга айтинг: «Оллоҳнинг раҳматидан умид узманглар! Оллоҳ (ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гуноҳларини магфират қилур. Албатта унинг узигина магфиратли, меҳрибондир. 42/ Ҳолбуки, Иблис ўз нафсининг айбдорлигини тан олмайди, қилган ишига афсусланмайди ва нафсига танбиҳ бермайди. Тезда тавба қилиб Оллоҳнинг афвини сўраш йўлига юрмади. Аксинча, Оллоҳнинг раҳматидан умидини узди, кибрланди.

Кимки Иблисдай ҳаракат қилса, тавбаси қабул қилинмайди. Кимки Ҳз. Одамдай ҳаракат қилса, Оллоҳ унинг тавбасини қабул қилади. Чунки нафсининг шахвоний ҳою ҳавасидан юзага келган гуноҳнинг афв этилишидан умид қилса бўлади. Кибр ва манманликдан юзага келган гуноҳнинг эса афв этилишидан умид йўқ. Ҳз. Одамнинг гуноҳи нафсининг шахвоний орузи тўғрисида йўқ берганди. Иблиснинг гуноҳи эса кибр ва манманликдан эди. Бир кун Иблис, Ҳз. Мусога келиб, дедик:

— Оллоҳ сенга пайгамбарлик бериб, хос қўлларидан қилиб олди, сен билан сўхбатлашиб туради.

Мусо:

— Шундай, ҳўш, муродинг нима, сен кимсан?

Иблис:


— Эй Мусо, Раббингга: «Яратиклардан бири тавба қилмоқчи!» деб айт. Иблис шу сўзларни айтганда Оллоҳ ваҳий йўли билан Ҳз. Мусога маълум қилдики:

— Эй Мусо, олдинга келган шу яратикқа айт: баъномадан қабул бўлди, агар Ҳз. Одамнинг қабрига сажда қилсанг тавбадан инобатга олиниб, узинг афв этиласан, де!

Ҳз. Мусо, Оллоҳнинг бу ваҳийини Иблисга билдиради, лекин Иблис аччиқланади ва шундай дейди:

• Меърож адаби

ИБЛИС



— Эй Мусо, мен жаннатда Унинг (Ҳз. Одамнинг) тиригига сажда қиламиз, энди улигига сажда қиламанми?

Бир кун Иблис дедик:

— Е Рабб! Одам тўғрисида мени жаннатдан қувдинг, фақат билиб қўй: Сен мени қандай безор қилган бўлсанг, мен ҳам уни шундай безор қила оламан.

Оллоҳ буюрди:

— Сен одамларни безор қилувчисан! (Пайгамбарларни шайтон безор қилмайдик).

Иблис:

— Яна нима!

Рабб:

— Ундан (Одамдан) тўғилган бола қанча бўлса, сенинг ҳам шунча боланг бўлади!

Иблис:

— Яна нима!

Рабб:

— Қалбларига васваса солишинг мумкин!

Иблис:

— Яна нима!

Рабб:

— Барча ёрдамчиларинг билан уларни йўлдан оздириб ҳаром даромад ва ҳаром ҳарж қилишлари, бузуқ ва хурофий инончларга майл этишлари, ёмон амаллар билан овора бўлишлари ва узун амаллар кетида уралашишлари, тавбани тарк этишлари учун васвасаларда бўла оласан!

Оллоҳнинг Иблисга «шуларни қила оласан!» деб буюриши таҳдид оҳангидадир. Яъни «қани шуларни қилавер-чи, кейин кўрасан!» қабилидадир. Шунинг учун:

— Албатта, бизнинг оятларимизга эгрилик қиладиган (яъни уларни бузмоқчи

бўлган) кимсалар бизга махфий-номаълум бўлиб қолмаслар. Ахир дузага ташланадиган кимса яхшироқми, ёки Қиёмат Ҳу-

нига (Оллоҳнинг азобидан) хотиржам ҳолда келадиган кишимиз?! Ўзларингиз хоҳлаган амални қилаверинглар! Албатта у қилаётган амалларингизни қўриб тургувчидир 43/ — маъносидаги оятнинг «ЎЗЛАРИНГИЗ ХОҲЛАГАН АМАЛНИ ҚИЛАВЕРИНГЛАР»

жумласини ташкил этган парчаси ҳам шу қабилидандир.

Шундан кейин Одам келиб Оллоҳга шундай деди:

— Эй Раббим, Иблисни менинг (болаларимнинг) бошига бало қилдинг. Мен унинг васвасаларидан узимни фақат Сенинг ёрдамим билан ҳимоя қила оламан.

Оллоҳ буюрди:

— Ҳар тўғилган боланга бир ҳимоячи фариштани вакил қилиб қўяман.

Одам:

— Яна нима!

Рабб:

— Бир савобга ўн савоб бераман!

Одам:

— Яна нима!

Рабб:

— Жонлари таналарида эканлигида тавбаларини қабул қиламан!

Одам:

— Яна нима!

Рабб:

— Уларни афв этаман.

Одам:

— Ётади, ё Рабб!

Орадан бир мунча вақт ўтгач, Иблис такроран келиб дедик:

— Е Рабб, Одамлар учун пайгамбарлар юбординг, китоблар индирдинг. Қани менинг пайгамбарларим?

Рабб:

— Қоҳинлар — сенинг пайгамбарларинг.

Иблис:

— Китобларим нима бўлади?

Рабб:

— Игна билан баданга солинган раҳмлар — сенинг китобларинг.

Иблис:

— ҲАДИСИМ нима?

Рабб:

— Ёлгон.

Иблис:

— Қуръоним нима?

Рабб:

— Шеър.

Иблис:

— Муаззиним нима?

Рабб:

— Чолғу.

Иблис:

— Масжидим қаер?

Рабб:

— Кучалар!

Иблис:

— Ўйим қаер?

Рабб:

— Ҳаммомлар.

Иблис:

— Ёядиганим нима?

Рабб:

— Маст қилувчи нарсалар.

Иблис:

— Тузоқларим нималар?

Рабб:

— Хотинлар.

Миразиз АбЗАМ

40/ Ол-и Имрон сураси, оят: 32.

41/ Аъроф сураси, оят: 23.

42/ Зумар сураси, оят: 53.

43/ Фуссилат сураси, оят: 40.

Бу ажиб дунё

КИРОЛНИНГ МАРҲАМАТИ

Саудия Арабистонида озодликдан маҳрум этилган жиноятчилар учун бир енгиллаштирувчи шарт бўлиб, унга биноан Қуръонни ёд олган жиноятчининг қамоқ мuddати роппа-роса 2 баробар қисқартирилади. Қуръон анчайин қалин китоблиги, унинг 114 бобни ташкил этувчи 80 минг сўздан иборат эканлиги ҳисобга олинadиган бўлса, қиролининг бу марҳаматидан фойдаланиш нечоғли қийинлигини тасаввур қилиш мумкин.

эрининг қўлларидан ўпиб, оёғи остига йиқилди. «Мени афв этинг, бундан буюн сизнинг амрингиздан ҳеч чиқмайман», деб влборди.

«Минг насихатдан бир мусибат яхши, у инсоннинг ақл-ҳушини жойига келтирадиган», деган ота-боболаримиз. Ақлли аёл, Аллоҳнинг унга берган неъматни қадрини, қимматини яхши билган кимсадир.

Эрининг ҳурматини ўрнига қўймаган хотин албатта жазосини топади.

Бугунги кунда эрини ҳурмат қилмаган аёлларимиз ҳам йўқ эмас. Лекин хотини ҳурмат қилмаган эрлар ҳам талайгина, бундан кўз юмиш мумкин эмас.

Қани энди, аёлни узининг доно сўзлари билан тарбиялаб олган, ахлоқ ва одоб бобиди юксакликка эришган уша ҳурматли ажодимиз келсади, бизнинг ахлоқи бузуқ эр-хотинларимизга жуфтихалоллик ҳаётидан таълим берса! Афсуски, бунинг сира иложи йўқ. Ушбу ҳикоят барчамизни ҳалоллик ва покликка, сабр-бардош ва садоқатликка озгина бўлсада ундаса, нур устига аёло нур бўлган булур эди.

«Ҳикматлар хазинаси» китобидан олинди.

ХОТИНИНГА АҚЛ БЎЛГАН ЭР

Қадимда машҳур шахарлардан бирида истикомат қилувчи ўрта ёшлардаги бир зот биринчи жуфти ҳалолнинг бевақф вафотидан сўнг узидан бир неча ёш кичик бўлган аёлга уйланади. Бу кишининг ахлоқи, гузал одати ва ҳуштабиатини барча яхши кўрар эди. У жуда билимдон бўлиб, динни ҳам анчагина яхши биларди. Айни замонда фикри тиник, қарашлари қатъий, илм-ирфон соҳиб ҳам эди.

Аваллига ёш аёл эрининг феъл-атворини жуда яхши кўрар, унга қўлидан келган барча ҳурмат-илтифотини курсатар, эрига нисбатан ўз вазифаларини чин юракдан, астойдил бажарарди. Эрига олий даражада ҳурмат изҳор қиларди. Ёш аёл қисқа вақт ичда барча қўшилари билан танишиди, қўшилари уни, у эса қўшилари уни ҳурмат қиладиган бўлди. Аммо уша маҳаллада ёмон феълли, ҳасадгўй бир хотин бор эди. Бу ёш аёлнинг эрига нисбатан ҳурмати бўлгани ва ширин турмушлари ул хотиннинг рашиқини келтирди. Ёш аёл билан қўшни бўлганларидан

бери уни хожасига нисбатан итоатсизликка ташвиқ қила бошладик.

— Қизим, сен жуда ёшсан, гузалсан, шундай катта ёшдаги кишига турмушга чиққансан. Сен ёш, узинг қаби чиройли эрга турмушга чиқмабсан, — деб жувоннинг бошини айлантирарди. Ёш аёл «мен эримдан жуда мамнунман, феълли, ахлоқини севаман» деса ҳам ёмон аёлнинг машаааларидан қўтила олмайди. Бир кун ул жувон ҳасадгўй аёл ташвиқотларининг таъсириданми, «эримдан ажралишаман» дейди. Ёмон феълли аёл эса:

— Қўлингдиги, уйингдиги қимматбаҳо ашёларингни аста-секин сотсанг, эрингга ёмон куринасан, унинг сендан қулғи совийди, — деб аёлнинг нотўғри фикрини тобора уйғуллаштиришга ҳаракат қилади.

Ёш аёл уйдаги қимматли нарсаларни бир-бир сота бошлади. Ҳар кун эри оқшомда уйига келганида, бугун қимматли фалон нарсани, эртасига — бугун бундай қимматли нарсани сотдим деяве-

ради, чиройли хулқли илм-ирфон соҳиб бўлган у зот хотинига: «жонинг соғ бўлсин, янгисини олармиз», дер эди. Аёл уйда сотиладиган ашё қолмаганидан кейин, ҳожатхонадаги ҳар қуни фойдаланиладиган, уттиз йиллик обдастани тошга уриб синдирди. Кечқурун эри келганида:

— Ҳожатхонадаги обдастани тошга уриб синдирдинг, парча-парча қилиб ташладим, — деди.

— Ана халос! Бу нимаси! — деб эрининг қўзларига ёш келди. Бундан ажабланган хотин:

— Мен сизга ҳайронман, — деди. — Уйдаги шунча қимматли нарсаларни йўқотганимда жажлингиз чиқмай «узинг соғ бўлсанг бас», деган эдингиз, энди ҳожатхонадаги оддий қўза синганида қўзингиздан ёш туқдигини, нега?

— Эй муслиман, ул қўза уттиз йилдики менинг энг маҳрам жойларимни қуради. Энди янги бир қўза олиб унга маҳрам жойларимни қандай курсатаман? — деб жавоб берди эр аёлига.

Бу гаплардан таъсирланган аёл бир онда гафлатдан уйғонди ва кечирим сураб

Бешик туйи, суннат туйи, туй келди, чарлар каби тантаналаримизнинг энг қизик жойини биласиз-а? Тантана охиридаги, аёлларнинг бутун вужуди иккига кузга айланиб, эшикка тикилади. Туртга-туртаси битта бугачани зурга кутариб, келинкойилари кириб келади, энгиздаги либослар чиройли, туришлари, гапиришлари ундан ҳам чиройли:

— Мана буниси тойгоғимизнинг комбинзонлари- қорлар ёқанда тоғажониси олиб келган чаналарини судраб ўйнайди, чанаси билан ранги бир хил, Японияники...

Келинкойилари булбулдай сайрашади:

— Мана буниси келинчакнинг ангорка қофиси, юбаси билан. Келинг уловини очиб кўрасан, йўқса чидай олмайсан. Қувимиз билан меҳмонларга борганда қияди, Жанубий Кореяники. Сунг «тозасидан» деб қўшиб қўйишди.

Утирганлар: «Кўп ашанглар, орзу хавасларини кўринглар, онасининг қули, қузи дард кўрмасин...» дея яхши тилаклар билдиришди. «Сизларни ҳам етказсин» дея пириликлар сочди...

Хуллас, ҳаммаси қизил-кўки, фох-ру турар, хавас, қувончлар намоёнишининг майдонини бу сарпо кўрсатар маросими...

Бироқ иккига — учта ақинлар тулпанлар даврада сарпо ҳақида гап очилса-чи, сизу бизни уйга тодирадиган гаплар бўлади. Келинг, шундай бир даврли

хужрачанинг эшигини қия қилиб очиб қуяй, узингиз эшитинг:

— Қудамиз «Қизлари учта қиздан сунг утил кўрди, олти йил улим бечора саргайиб, тенг-тушлари ичиди боши эгилиб, утил қули. Энди утил туйига етказганида шукур қилиб, онаси ҳам той яса-тиб келсинлар, ҳам гилам қилишсин», дебдилар. Шуюм гапми? «Гилам қилсам, бирорта қишга яраб қолар, тойни сотиб, узларининг чўнтагига уришадим» деб гилам олиб қўйган эдим, шу билан кутулдим, десам, қизим қўзининг эшини оқиб қилиб утирибди. «Оғзимни очир-ишмайди кейин, ойи, бир бало қилинг!» дейди. Ҳайронман, бир ҳаёлим туз-тузини чиқариб, болаларимни етказиб келаварай, дейман...

— Шайтонга хай беринг-ей, бир кунда утадиган утил туйини деб туртга қоракўзини сағир қиласизми. Омонатта олинг қўйинг, ана, бизнинг қўшинимиз қизини «бахти очилса бўлди» деб бир етим болага берди. Шунанга зур сарполар келди, ҳаммамнинг оғзи очилди. Кейин имми-жиммида эшитсам, қиз узининг урқоқларидан омонатта олиб турган экан. Нима бўлибди, эл қўзига бўлса бўлди-да, бинойидек ялашаплатти...

Шу уринда менинг эсимга бир воқеа келди:

... Тўйла сарпо кўрсатар тантанаси бўлаётти, келинкойил хижолатомуз бир қиёфада борини эл қўзидан утказди, она ҳам қисилган, бир — икки бор: «Шошилтириш-ди-ей, ҳали қамим кўп десам ҳам

қўйишмади», деб ним овозда изоҳ берди. Утирганлардан садо чиқмади, фақат қўла тарафдан бир кес-са аёл келиб, фотихага қўл очгач, истар-истамас қўчилишди.

— Нимага ҳеч бир нарсга демаларинг. Ахир топганини қилиб

Менинг туй, туйчиқларимиздаги «сарпо кўрсатар» деган қисмида озорқ эътирозим бор. Менга шу қисми утиришмайди. Агар ҳар ота-она имкони даражасида сарпо қил-са, уни уртага қўйиб қўз-қўзлаш мажбурияти гарданини юк бўлиб

қўрмаса» деган қаршилик бўлиши мумкин. Биз айнан шу жойига чидашимиз, урганишимиз кес-рлар билан биз асли у фарзандларимиз эҳтиёжи учун қиламиз-у, уларнинг қўн-лини топсак, бас-да.

САРПОНИНГ СИРЛАРИ

келган. Бечора ўзи мулзам бўлиб утиргани етмаганди, сизлар ҳам бир оғиз яхши гапларингни айдларинг, — дейман.

— Ўзбошимча-да, ўзи. Мана шарманда бўлди. Ўзи шарманда бўлгани етмагандек, бизнинг ер билан битта қилди. «Сарпонинг қамми бўлса, омонатта бериб турайлик», десам, «мен ёлғонни ёмон кўраман, нимани қилиб ултурган бўлсам шунини олиб бераман», деди. Мана ахволати кўрдингиз...

Аслида «омонат» деган гап ҳақида сийрак ҳолида. Тўғриси айтганда, фарзандида сарпо йиғиш ва тақдим этиш жуذا кўп жиҳатдан эъзуликлар билан боғлиқ. Ота-она доим яхши қўнлар орзуси билан яшайди, «унисини қилишим керак, буниси кам» деб меҳнат қилган, қўнлидаги боласига атайган орзу-хаваси уларга куч-қувват беради. Топганини тўйларга яратганли, фарзандининг, невараларининг қўн-вонганини кўрганли, узларидан, елиб-югурганларидан рози бўлишди, қўнчилари ўсади.

босиб турмаса, «эл қўзига» деган гап бўлмаса, менимча, бу урфимиз чиройли бир ҳодисага айланади. Шундай бўлсагина, «ким узарга сеп йиғиш пайгаларга ўз-ўзидан барҳам топади, қамроқ қилгани мулзам бўлиб, қўймайди, ортқ қилгани бу фойий дуненинг ўт-қинчи қувончларига қаттиқ қир-ланиб кетмайди. «Омонат», «Қарз кутариб» сарпо қилишдай ёқимсиз-ликларга ҳам мулқо ҳожат қол-майди. «Шунча қийналиб қилган нарсаларим сандиқдан чиқиб, сан-дикка кириб кетаверса: ҳеч ким

Ҳозир хотин-қизлар кенташ-ларининг имкониятлари, ҳуқуқ-лари кенгайган, улар маросимлар, тантаналарни ихчамлаштириш ка-би жуذا қўнчиларнинг қўнлида-ги ишларни бошлаганлар. Айнан уша кенташ «сарпо кўрсатиш» тантанасини ҳам «қисқарти-ришга» тушириши мумкин.

Бир тасаввур қилиб қўрайлик-а... Узимиз хоҳлагайди, қучимиз етганича, орзу-хавас қиламиз, чин дидан, оғринмай, қувониб-қуво-ниб тақдим этамиз.

КУТЛИБЕКА



• Адабий қахрамонларни эслаб

Т О В О Н П У Л И

«Труд» газетасида босилган мақолани ўқиди-ю, Қобил бобо тинчини йўқотди. Эски дарди қайтадан қўзғалди. Гап шунда-ки, Русиянинг олис бир вилоя-тида яшовчи фўқаро юз йил бу-рун ўлиб ўтган бобосининг мул-кига меросхўрлик даво қилиб-ди. Қобил бобо мақолани қайта-қайта ўқиб чиқди. Оғир-оғир ҳур-суниб қўйди. Узини боладай ал-даган амин, пристав, миршаб, эллиқбошини ичиди сўкиб қўйди.

Мана, замонлар ўзгариб, одамлар узининг юз йил олдин йўқотган мулкларига эга бўли-шяпти. Қобил бобонинг қўз ол-дига йўқолган ҳўкизи дарвозадан кириб келаятгандек тўлаверди. «Эсиз ҳўкиз. Йўқ, энди ҳўкиз то-пилмайди. Лекин унинг товон пу-лини ундиришим керак. Мени ўқимаган содда деб кўп лақла-латишди, бор-бўдимни сарфла-ман. Лекин ҳўкиз топилмади. Эн-ди аламига ҳўкиз пулини ундир-

масам, Қобил исминини бошқа қўяман». У елкасига қимҳоч чо-понини ташлаб, турги қишлоқ оқ-соқоли идорасига қараб гўз юриш қилиб кетди.

Оқсоқол уч-тўрт киши билан гаплашиб утирган экан. Қобил бобони кўриб манзират қилди. Чой қўйиб берди. Ҳол-аҳвол су-раган бўлди. Қобил бобо ҳўрил-латиб-ҳўриллатиб чой ичди. Пиё-лани бушатиб оқсоқолга узатди. Сўнг қўлтигига қистириб келган газетани оқсоқолга узатди.

— Ўқи, мунини, — деди.

Оқсоқол газетани қўлига олиб, Қобил бобо қизил қалам билан чизиб қўйган мақолага қўз югуртирди-да:

— Ҳўш? — деди.

— Нега ҳўшлайсан? Йўқолган ҳўкизининг товон пулини қачон тўлайсанлар?

— Қайси ҳўкизининг товон-и?

— Узингни гўлликка солма. Инқилобдан олдин бор-йўғи бита ҳўкизим бор эди. Эсингдан чиқимди, сўюнчисига битта то-вуқ ҳади қўйган эдим.

— Тушунмай қолдим, Қобил бобо. Мен сиздан ҳеч қандай то-вуқ олганим йўқ эдику.

— Сен олмаган бўлсанг, ўр-нингда ишлаганлар олган. Сен менга замоннинг ўзгаришини пеш қилаверма. Сеннинг ўрин-ида ишлаган эллиқбоши ҳўқимни еб кетиб ҳўкизини топиб бер-мади.

— Ҳўкизингизни эллиқбоши еган бўлса, менда нима айб?

— Гапни айлантираверма. Эл-лиқбошининг документлари се-нинг темир сандиқнингда сақла-наётган бўлса керак.

— Ҳўжжат алақачон архивга кетган. Балки йўқолган, балки ёндириб ташланган бўлиши мум-кин.

Қобил бобонинг қўзларида ўт чакнагандай бўлди.

— Ёндириб ташланган?! Напо-леоннинг хатлари ёндирил-майди. Николайнинг хатлари ар-хивда сақланади. Биздақаларни-нг аризасига архивлардан жой топилмади-да?

Оқсоқол елка қисди. Қобил бобо баттар ҳаҳл отини қамчи-лади:

— Топасан. Вақтида ҳўкизим-ни топиб берам деган умидда

приставга ҳўшомад қилдим, мир-шабга ялиндим, эллиқбошининг оёғига йиқилдим. Лекин ҳўкиз топилмади.

— Қобил бобо, ўтган ишга са-ловат.

— Йўқ, қўчварани хом санаб сан, оқсоқол. Алдам-қалдам за-монлар ўтди.

Оқсоқол нима дейишини бил-май қолди. Қобил бобо бундай усталик билан фойдаланди.

— Гап шу, оқсоқол! Сенга ўч кўн муҳлат. Ё ўғрини толасан, ёки товон пулини тўлайсан. Бош-қа гапим йўқ. Қобил бобо амир-кон маҳсисини гиричлатиб, хо-нани тарк этди. Орадан ўч кўн ўтиб Қобил бобо идорда пайдо бўлди. Оқсоқол Қобил бобони ҳўшмуомалалик билан кутиб ол-ди. Одатига қўра оқсоқол Қобил бобого чой узатди.

— Қобил бобо, мен милиция-га хабар бердим. Йўқолган ҳў-кизингиз изланаёпти.

Қобил бобо чўрт кесди.

— Қалла борми ўзи. Инқилоб-дан олдин топилмаган ҳўкиз эн-ди топиладими? Сен қишлоқ оқ-соқоли бўлиб шунга ҳам ақлинг етмадими? Гапни қалта қил. Менга эллиқбошининг ҳўжжати-ни топиб бер.

— Ҳали архивдан жавоб кел-гани йўқ, Қобил бобо.

— Сен шундай утираверсанг, икки дунёда ҳам жавоб кел-майди. Ҳўзининг ўзида архив-га жўна, мана сенга йўл кираси.

Оқсоқол тисарилди.

— Қобил бобо, сиз мени қим-деб уйлаяпмиз?

— Ол, олавер.

— Йўқ, йўқ, Қобил бобо, бун-дақаси кетмайди.

— Тўғри, сенга ҳам қийин. Бу-сиз иш битмайди.

Оқсоқол бир қадар юмшади. Қобил бобонинг гапини иккита қилмади. Қобил бобо кетар чо-гида:

— Майли, етмиш йил кутдим, яна етти кўн кутсам, қўтибман-да. Сен бўвғини тезлаштар. Сўюнчисидан қочадиғанлардан эмасман.

Етти кундан кейин оқсоқол Қо-бил бобони қўчоқ очиб кутиб ол-ди.

— Топилди, Қобил бобо, то-пилди!

Қобил бобонинг юзларида се-

винч аломатлари пайдо бўлди.

— Ҳўкизми?

Оқсоқол бош чайқади.

— Уғримми?

— Э, йўқ, эллиқбошининг ҳўж-жати.

Қобил бобо креслода ял-пайганча бош иргади.

— Айтдим-ку, ҳўкиз йўқолади, одам йўқолади. Аммо ҳўжжат йў-қолмайди.

— Билган экансиз.

Қобил бобо мамнун жил-майди: — Биз қўй кўрмасак ҳам қий қўнларданмиз. Энди гап-ни майдалаштириб утирмайлик. Уша пулга ҳўкиз сотиб оламан.

Оқсоқол гапни бошқа томон-га бурди.

— Мен бунинг учун мажлис ча-қиришим керак.

— Э, шу мажлислардан қачон тўясанлар ўзи. Менинг вақтим-зиқ.

Оқсоқол ён бергандай бўлди.

М. МАРДИЕВ

Бу ажиб дунё

ГАП-СЎЗНИНГ КЕРАГИ ЙЎҚ

Жанубий Саҳрои Кабир чегарасида исти-қомат қилувчи айрим африкалик қабилалар учун қийим-кечак ўзаро мулоқотнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Улар бир-бирлари-нинг қийинишларига қараб «сухбатдошлари» нима демокчи эканлигини гап-сўзсиз ҳам ту-шунишади. Турли қийимлар, ўзига хос тур-макланган соч одамнинг қайси қабилага ман-сублигини, ҳозир унинг қайфияти қандайли-гини, молиявий аҳволи ва сиёсий дунёқа-рашларини ҳам билдиради.

• Муассислар фаолиятидан

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Маълумки, оналик ва бола-ликни муҳофаза қилиш дастури бўйича «Соғлом авлод учун» хал-қаро жамғармаси анча хайрли тадбирларни амалга ошириб кел-моқда. Ақинда жамғарма ташаб-буси билан юрак хасталигига ча-линтган туртта бемор бола даво-ланиш учун Кореяга жўнатил-ди. Бу касалманд болалар Ко-рея кардиология фонди ҳисоби-дан Сеулдаги кардиология мар-казида операция қилиниб, да-воланди. Кореядаги миссионер-лик жамияти эса 9 та кузатувчи (ота-она, қариношлар) етагида борадиган бу кичик гуруҳнинг янаш шарафитлари учун кетиди-ган барча сарф-харажатларни бўйнига олган. «Ўзбекистон ҳа-во йўллари» авиакомпанияси эса гуруҳнинг текин бориб келиши учун имконият яратган.

Бу тадбир Корея ва Ўзбекис-тон давлатлари ўртасидаги тобо-ра барқарорлашиб бораётган ҳамкорлик самарасидир.

ШАҚЛ-ШАМОЙИИ АПОМАТЛАРИ

ҚОШ устидаги горизонтал чизиклар сони инсоннинг неча ешга кирганлигидан дарак беради. Битта чизик ун йил умрга тенг. Пешона қанчалик энли бўлса, бу шахс тақдирини шунчалик узоқдаги одам билан боғлашдан далолат беради. Ақсинча сочлар чегарасининг пастлиги инсоннинг калтабингидан хабар беради.

Узун, ейсимон ва тукис қошлар вужуд ва руҳиятнинг узаро уйғунлигидан хабар беради. Этли ва бароқ қошлар эса ички дуненинг нумутаносиблигидан, ташқи учи қайрилган қош кишининг саҳийлигидан, учи пастга қараган бўлса, ҳаёт ташвишларидан зериканлигидан хабар беради. Қошларнинг энли ва тартибсизлиги қайсар ва ушар одамларга, уртасининг узаро қушилиб кетганлиги мансабга интилувчи кишиларга хосдир. Қошлар юқори жойлашган бўлса, ҳар қандай йул билан бўлса-да, мансабга эришишга тайёргарлигининг аломатидир.

Инсон шамоийидаги бирорта аъзо қушчилик катта ташхисий аҳамиятга эга бўлмаса керак. Ҳатто қушларнинг рангдор пардасига қараб ташхис қийишга асосланган

ириодиангностика фанининг мавжудлиги фикримизнинг аққол далалидир. Инсоннинг ички дунесидеги жамийки кечинмалар куз орқали аққол зоҳир бўлади. Ёниб турувчи катта-катта қушлар юрагида ўти бор, серҳиссиет ва гайрат-шижоатли инсонларга хосдир. Кичкина ва қовоқлар билан яширинган қушлар эса ниҳоятда қайсар ва камсуз кишиларга учрайди. Қушларнинг ташқи бурчаклари пастга эгилганлиги қувноқликдан, ички бурчакларининг пастга эгилганлиги эса тафаккурни бир қадар пастлигидан дарак беради.

Рангдор пардининг қора ва жигарранглиги серҳаракатлик ва гайратнинг зултидидан, фируза ранглиси таъсирчанликдан хабар беради, оч жигарранглик камсуқумликдан дарак беради.

Қовоқларнинг салқиб туриши аксарият ҳолларда буйрати хаста кишиларга хос бўлиб, ҳалдан ташқари осилиб кетиши инсоннинг гайрат-шижоатдан маҳрумлигини билдиради. Фақат пастки қовоқнинг шавираб туриши эса узини тийиб туролмаслигининг белгисидир. Қушларнинг ташқи бурчаклари ажинга бой бўлса, етуклик ва қувноқлигини аңлатади.

Бурун тешикларининг ҳалдан зид қатталиги феъл-атвордаги қусурдан дарак беради. Узун ва ниғсига бурун одатда узини ҳар нарсага урувчи шахс, суякдор ва йуғон бурун эса тақаббур инсонларда учрайди. Буруннинг учи пастга осилиб туриши кишининг серзаъклигидан, учининг олдга туртиб чиқиши эса бебошлигидан, бурун учининг иккига бўлиниши журъатсизликдан, бурун тешикларининг майдалиги қувноқчанлик ва иродасизликдан далолат беради.

Оғзининг ҳалдан ташқари торлиги иродасиз, лабларнинг юпқалиги асабийлик ва жанжалкашлик, аксинча жуда дурдоқлиги меҳкайлик белгиси бўлиб, юқори лабнинг олдга туртиб чиқиши ўз фикрида тура олмайдиган, пастки лабнинг туртиб чиқиши эса бадфеълликдан далолат беради. Оғиз бурчакларига буруннинг иккала тарафидан ажинларнинг тушиб келиши кўпинча доғули ва қаллоб одамларда кузатилади. Лабларда бўйламасита қушлар чўқур ажинлар мавжудлиги туғма захм билан огриганлик аломати.

Қулоқларнинг шакли бесундай ва қингир-қийшқиллиги, рангининг

нг заҳиллиги вужуддаги хасталиклардан, шаллангқулоқлик руҳиятдаги нуқсонлардан, чўчварқулоқлик бахтсизликдан далолат беради. Қулоқлар учининг нисбатан баландла жойлашганлиги юксак тафаккур, паст жойлашуви эса ландавр ва лаёқатсизлик даракчиси-дир. Қулоқ солинчогининг ҳалдан ташқари узунлиги бетамлик, билинар билинмаслиги эса нозик табиатлилик аломати. Аксарият мазийдошларимизнинг фикрларича, қулоқ супрасидаги ҳол ва сўгаллар бахтсизликнинг даракчиси ҳисобланади.

Юздаги ажинларнинг шакли ва улчамлари ҳам куп нарсани аңлатади. Жумладан қаншардаги юқоридан пастга қараб тушган йуналишдош ажинлар ҳаллараст ва одамовиликнинг, битта тик чизик эса ҳукмронликка интилишининг белгисидир. Қушларнинг ташқи бурчакларидаги қушлар майда ва сезилар-сезилмас ажинлар кулгисевар феъл-атворидан дарак беради.

Пешонадаги қушлар кундаланг ажинлар эса қатъиятсизлик ва шўбхаланувчанлик аломати. Қулоқлардан бевосита лабларнинг четларида тушувчи чизиклар эса мушакли фикрли, қаттиқ иродали кишиларга тегишлидир. Бундай инсонларни бўйсундириш жуда қийин, уларга хоинлик ва тилеғамалик бегона.

Мазкур аломатлар аллома бобокалонларимиз томонларидан текширилиб, ҳаётда ўз тасдиғини топган. Аммо шунга қарамасдан биронга баҳо беришда фақатгина яқкам-хукам белгиларга таянган ҳолда хулоса чиқаришга шўшлмаслик керак. Зоҳирий қиефага қараб ботиний дунё ҳақида тўғри хулоса чиқаришининг иккинчи асосий шарти—инсоннинг еши ва олатларини ҳам ҳисобга олишдир. Жумладан, юз ва қўюқ шакллари асосан 30 ешдан кейин тула шаклланиб бўлса, ажинлар ҳақида хулоса чиқаришни 50 дан ошган одамларга нисбатан қушлар бўлмайд.

Алижон зоҳидий



Бу ажиб дунё

КАНЦЛЕРНИНГ ОФИРЛИГИ ҚАНЧА?

Немис газеталари канцлер Г. Колинг буйи ва огирлиги ҳақидаги маълумотларни чоп этди. Газеталарнинг хабарига қараганда, канцлернинг буйи 193 сантиметр бўлиб, огирлиги 177 килограмми ташқил этаркан.

Г. Колинг расмий ташири алоҳида атинамликлар меҳмон учун махсус тайёргарлик кўришган. Канцлер турмоқчи бўлган меҳмонхона 2,2 метр узунликдаги, атинамликларга мос бўлмаган қароват ўрнатилган. Г. Коли утириб суҳбат ўтказмоқчи бўлган креслонинг эса чидамлилиги синодан ўтказилган экан.

Хитойда ҳам немис раҳбари учун барча тайёргарлик кўрилаган бўлсада, музлаткичлар ишлаб чиқарадиган фабрикада қутилмаган воқеа содир бўзди. Г. Коли тушган лифт тўсатдан ҳаракатдан тўхтади. Ниҳоятини, лифт германиялик меҳмоннинг огирлигини кўтаролмаган экан. Меҳмонни лифт ичидан чиқариш учун эшикларни синдиришга тўғри келди.

• Нафис мажлислар

ЮЗ ПАРВАРИШИ

Яширмоқдан не ҳолат, ҳушсуварат бўлиш ҳар бир аёл зотининг ички истағидир. Қанчалик жоғибадор бўлсақ ҳаётдан, ўзимиздан қўнғимиз туқ бўлишини нега яширайлик? Тиббиёт илми эса қатъиян таъкидлайди: кайфияти баян, асаблари, соғлиги жойида бўлган аёл ёш ва гузал кўриниши мумкин. Ҳар доим озода юриш, терининг қандайлигига қараб парвариллаш ни билсак, либослар танлашда хатога йул қўймасак бўлгани. Дарвоқе, тери парварishi. Гурунларда кўпчилик дугоналаримиз сураб қолишади: тери парварishi қай ешдан бошламоқ мумкин? Менимча бу терининг ҳолати ва соғлиқнинг қай даражадаллигига боғлиқ. Фақат ўз биларчиликлдан эҳтиёт бўлган маъқул.

Хонадонимизда улғаяётган қизларимиз эса гузаллик сирларини билиб қийсалар фойдадан ҳоли эмас. Масалан, юз қандай ювилади, қандай артилади. Кимга қандай ироқи совун маъқул,

ёки тишлар, қўллар қандай тозаланади? Бунинг учун она андак фаҳм-фаросатли, зийрак бўлсин. Усмир қизларни билар билмас пардоздан асраган тузук. Буйи раста қизларнинг қиефасидаги тиниқликнинг ўзи гузалдир.

Қўпчиликнинг фикрича аёл ўтиздан утган териси салқийди. Аммо бу организмнинг фаолияти ва табиий иқлимга, парварishi боғлиқ. Ҳарқалай, шундай ҳол юз берса, албатта, мутахассисга учраган маъқул. Гоҳо автобусда эшитиб қолам: «Худого шукур, қирққа кириб юзимга ҳеч нарсаси суртмадим, аммо кўринишини бил-бийойи. «Лекин, ўша аёл билмайдик, териси дағаллашгани.

Ривоят қилишларича, бир кекса донишманд ўлими олдида қизларига «Камбағаллигим боис яхши насихатлардан бошқа қолдирадиган давлатим йўқдир. Агар бир умр гузал бўлай қувсангиз ақли, очик қўнғил, қувноқ бўлинглар», деб васият қилган экан. Бу албатта ривоят, ам-

мо халқ тўқиган ривоятлар ҳақиқатга суянади. Дикқат, қилсангиз, қўнғили очик дугоналаримиз анчайин ёш қуринадилар.

Инсон табиатининг нодир муъжизаси. Биз шундоқ тугилмаймиз, аксинча ўзимизни шу тарзда тарбиялаб борамиз. Таниқли дерматолог Н. В. Никольский ёзган эди: «Тери ва юзининг кўриниши асаб системалари билан камбарчаб боғлиқдир». Ортиқча ҳаяжонлар, ғамгинликка берилишимиз чехримизда акс этади. Болаларимиз озорланиб кўзеш тўққанларида «қани, қани, битта қулинг-чи» деймиз. Болада, дарҳол юзига қулга инади. Бундай лаҳзани енгилга биз ҳам қодир бўлайлик.

Мен гоҳо уйлаб қолам: ҳар бир аёл билармикин, ювинадиган сувнинг илиқлиги қай даражада бўлишини. Таркибида қалций тузлари, мағний ва бошқа минераллар миқдоридан қунапайган сувлар огир сувлар ҳисобланади. Оғир сувлар нафақат юз, балки қўл учун ҳам зарардир. Аммо бундай сувни қайнатиш йули билан юмшатиш мумкин. Ёки бир литр сувга 1/4 чойқошиқ ис-

теъмоқ содаси, 1/2 чойқошиқ бор кислотаси, 1 ош қошиқ глицерин ҳам қўиш мумкин. Юзини чиядиган сувга сут қўиш ҳам ишлатишнинг мумкин. Аммо ёмғир ва қор суви табиий юмшоқдир. Имкон бўлганда фойдаланиш мумкин. Ёмғир сувидан сўнг латифликда бўлоқ суви туради. Доимо оқиб турса, ширин, соф, зилол, ҳуштаъм бўлиб, ери тоза бўлса, қизил майда тошлар устидан оқиб ўтса, усти очик бўлиб қўиш нури тегиб турса бу энг яхши сувдир, дейишади мутахассислар. Бундай сувларда ювиниш терини таранг қилади, кайфиятини кўтаради.

Кўпчилик уйлайди: «Ҳар кун сувоқ сувга ювинсанг, тетик юрасан», деб. Аммо бу фикр унчалик ҳам тўғри эмас. Профессор М. А. Розентул шундай ёзган эди: «Доимий равишда сувоқ сувда ювинган одамнинг териси эластиклигини йўқотади ва бора-бора тери қуруқшаб кетади». Яхшиси доимий хона температурасидаги суви танланг. Қўшнинг сувоқ кунлариде ювинганг, қўчага чиқшдан олдин юзингизга юмшатувчи крем суртиб олинг. Уни ювиб ташлагач юзингизни озгина ўқалаб қўиш.

Шунда юзингиз қуруқлашмайди.

Сувоқ сувда ювинавериш за-

рар бўлгани каби ҳадеб иссиқ сувда ювинишининг ҳам салбий томонлари бор. Бунда организм бўшаши, ажинлар қўяяди. Сувнинг илиқлиги +35 ° да бўлса афзалдир. Юз терисиде капиляр қон томирлари қўриниб турган уларга умуман иссиқ сувда ювинмасинлар.

Териси ўта ёғли аёллар ҳар кун кечқурун илик сувда совулаб ювинганлари маъқул. Агар теридеги ёғ миқдори камаймаса, қўполлиги йўқолмаса, бир хил илиқликдаги сува ургатинг. Бу усул даволаш ҳусусиятига ҳам эга. Демак, ювинишининг ҳам ўз меъери бор экан.

Айтинг-чи, ранг тиниқлиги нималарга боғлиқ? Ўз вақтида ювиниш, покиза сақланишга. Ва яна шур ва аччиқ нарсалардан тийилинг. Абу Али ибн Синонинг ёзишларича, анжирнинг рангини тиниқ қилиш ҳусусияти бор экан. Наҳорда сут ичиш, ҳар замон мурч, қалампирмунчоқ истеъмоли, турп, пиёз, қарам, саримсоқ, аччиқ бодом, бодиринг ейиш керак. Умуман рангингизнинг тиниқ, қурилишинингизнинг ёш бўлишини истасангиз мунтазам бадантарбия билан шўғулланг. Тез-тез болажонларингиз билан боғларда, салқин гушларда дам олинг, яхши, қувноқ, латиф суҳбатли одамлар билан даврдаш бўлинг.

«Хушрўйлик сирлари» китобидан

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Азиз ва мўтабар отаюримиз АБДИКАБИР МАЖИТХУЖАЕВ!

Муборак 60

ёшинингиз қўнғил бўлсин. Сизга

узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Юзингиздан қулги, лабнингиздан табассум ариласин. Шириндан шакар набираларингизнинг севишли буважони бўлиб юраверинг.



Умр йўлдошингиз МУҲАБАТХОН ВА ФАҲРАНДЛАРИНГИЗ.

Ўғлим АБДУЛ ҒОФУР!

Таваддул айеминг қўнғил бўлсин. Ҳамиша соғу саломат бўлгн. Уқини ва ишларингизда омад тилаб даданг МУҲАММАД РАСУЛ

ИЗОХ

Декабр ойидан «Танишув» эълонининг баҳоси 100 сўм, шунингдек «Табрик», «Ўзаро савдо» эълонлари қуйидаги тартибда белгиланди: бир босма белгининг (ҳарф, тиниш белгиси) баҳоси 60 тийин. Табриклар сурати билан берилса, битта суратнинг баҳоси 60 сўм. Ўн кун ичиде берилган эълонлар икки баробар қиммат.

Бу ажиб дунё АФРИКАЧА МУОЛАЖА

Африканинг куплаб мамлакатларида куйидаги манзарани куриш мумкин: уткинчи бир кимса мевалар дуконида келиб, лимон харид қилади-да, шу заҳоти эзиб шарбатини ичиб юборади.

Биз паррагини чойга солиб ёки баъзан таомларга уткир зирavor сифатида ишла-тиб тановул қиладиган лимон Африканинг анъанавий табибатида кенг қўлланилади. У шундайлигича ҳам, турли дори-дармон таркибида ҳам истеъмол қилинади. Илон, ургимчак, чаён чаққан пайтда биринчи навбатда жароҳатга лимон шарбатини куйиш зарур. Ангина бўлганда ҳам лимон шарба-тида томоқ чайқалади. Шарбатли асал эса шамоллашдан фориғ бўлишда қўл келади.

Умринг болалик дея аталувчи фасли узининг бегуборлиги, бетакорорлиги, билан ажралиб туради. Шу сабабдан, у ширин дашларни кўмсамаган одам топила-маса керак, дунёда. Афсуски, дунёвий ташвишлардан нисбатан ҳоли бўлган бо-лалардан билиб олса бўлади. Қўғирчоқлар келтир биги зумда «кўча чангитиб» утади, кетади.

Маълумки, ҳар бир инсон ёшлигида турли хил уйинчоқлар, қўғирчоқлар уйнаб овунади. Зеро, ана шу уйинчоқлар илк бор уларнинг ёш онгига ҳаёт тушунча-сини олиб кириди. Боладаги фикрлаш, дунёқарашнинг илк шакллари уйинчоқ-лар орқали ривожланади. Қолаверса, бо-ла руҳиятида аста-секин теварак-атроф-даги воқеаларга муносабат шаклланиб, уйинчоқлар, қўғирчоқлар орқали у ўз ифодасини топади.

Шу сабабдан биз боланинг, айниқса, қизчаларнинг энг яхши овуноғи бўлган қўғирчоқлар тарихи ҳақида тўхталиб

ган қизларга ўз қўғирчоқларини қолдириб кетиши одат бўлган. Турмуш кураётган грек қизлари ўз қўғирчоқларини «Артемис» меҳ-робиди (христиан черковининг ибодат қилинадиган жойи) қолди-риши лозим бўлса, римлик қиз-лар «Диана» маъбудасининг меҳ-робидида қолдириши шарт бўлган.

Христиан черковларида ҳам байрамлар муносабати билан қўғирчоқлар куп қўлланилган. Ҳо-зирда «Кристмосс» байрамида қўғирчоқларнинг илоҳий Мери, Жо-зеф ва Исо боласи шаклидагила-рини кўтариб юриш ана шундан расм бўлиб қолган.

Бундан 600 йилдан ортиқ му-қаддам Францияда «Фэин доллс» яъни, кийинтирилган қўғирчоқлар юзага келган. Француз кийимла-рини, матоларини бошқа мамла-катларда куз-куз қилиб, харидор-ларни кўпайтириш мақсадида кич-кина «манокен», яъни қўғирчоққа кийимлар кийгизиб хорижга олиб борилган. Ва шу зайдда кийинти-рилган «модний» қўғирчоқлар пайдо бўлган. Ажабланарлиси шундаки, шох ва маликалар бир-бирла-рига ана шундай безатилган қўғирчоқлар-ни совга қилишган. Тахминан 1390 йил-да Англия маликасига ана шундай Фран-цуз қўғирчоқларидан анчасини совга қил-ганлар. 300 йил муқаддам эса Швеция қироли Густавга иккита шунақай қўғир-чоқ тортиқ этилган. Бу ноб қўғирчоқлар ҳозирда Швециянинг Упсала университе-тида сақланмоқда.

Тахминан 200 йил олдин Францияда «Пантин долл» яъни, картон қўғирчоқлар оммавийлашган.

Тарихда ҳинд қўғирчоқлари дея ном олган қўғирчоқлар одатда ҳайвонлар те-рисидан ясалган. Кийимлари оху териси-дан қилиниб, бўйига кичик маржонлар, браслетлар тақилган. Уларга кийгизила-диган парик эса эчки, кўтос ёки отнинг жунидан тайёрланган.

«Летиша Пенн» Америкадаги энг қад-имги қўғирчоқлардан саналган. Аниқро-

қарувчи қўғирчоқлар, жумладан «Ма-ма» дейдиган қўғирчоқлар ишлаб чиқари-ла бошлади. Аслида овоз чиқарувчи қўғир-чоқлари биринчи бўлиб 1825 йилда Ж. В. Мэзлел деган киши яратган. Аммо, XX аср бугасасига келиб қўғирчоқчи, юмадиган, механик ҳаракатланадиган, ҳатто рақсга тушадиган қўғирчоқлар пайдо бўла бошлади.

Ҳақиқий, жонли болага ўхшайдиган би-ринчи қўғирчоқ Кати Круз деб номланиб, немис қўғирчоқсози томонидан яратил-ган. Ва унинг номи берилган. Шуни ало-ҳида таъкидлаш лозимки, 1870 йилдан 1914 йилга қадар энг яхши қўғирчоқлар Германияда ишлаб чиқарилган (Нюрн-берг ва Сонниберг шаҳарларида) Аммо би-ринчи жаҳон уруши натижасида Герма-ниянинг қўғирчоқ ишлаб чиқариш саноа-ти орқага кетди. Ва ташаббус америка-ликлар қўлига ўтди. У пайтларда эса Аме-рикада «Билликен» дея номланган қўғир-чоқ оммавийлашган. Қўғирчоқ чиқаго-лик студентнинг дизайни асосида 1908 йилда яратилган. Кейинчалик рассом Роза О.Нейл яратган «Мерриест» қўғир-чоғи Американинг қўғирчоқсозлик саноа-тида бурилиш ясади. «Байло-Бейби», «Пасту», «Ширлей Тэмпл», «Ду-Ди», «Ди-нес» каби қўғирчоқларнинг янги авлод-лари нафақат Америка болаларининг, балки бошқа мамлакат кичкинтойларини-н ҳам овуноғига айланди. Бугунги кун-да эса «Микки», «Минни Моус», «Барби» каби қўғирчоқлар купгина болаларнинг энг сеvimли уйинчоқларидан бирига айла-ниб бораётганлиги сир эмас.

Маълум бўлишича, 300 йил муқаддам Европада қўғирчоқлар музейи қўрилган экан. Фансу Датч номи музей шулар си-расига кириди. 1670 йилда Голландияни-н Утрехт деган жойида 15 та хонаси бул-ган қўғирчоқлар музейи қўрилган. Импе-ратор Мантезума энг машҳур қўғирчоқ-лар коллекционери саналаркан. Шунинг-дек, мексикалик Кортес исмли киши бу борада ранг-баранг коллекция тўплаган.

Дунёда қўғирчоқлар билан боғлиқ удумлар, одатлар, иримларнинг борлиги эса кишининг янада ҳайратини оширади. Масалан, юз йил давомида японларда қў-

ДЕРАЗА

МИЛЛИОНЛАР ОСМОНГА УЧДИ

Новгороддаги «Норд» но-м-ли фирма бир неча вақт ши-молда, «жаннатмакон» мас-канларда яшашни истовчи-ларни узиға чорлади. Бундай ҳаётни истовчилардан фақат 1150000 рублгина талаб қи-линди, холос. 40 нафар нов-городлик бу пулни тўлаб ўз орзуларига эришишга қарор қилдилар. Уларни автобусда Москвага, кейин эса Домо-дедово аэропортига олиб ке-лишди. Лозим бўлган пул ва паспортларни йиғиб олиб, билетга кетган фирма вакил-лари изсиз йўқолди. Ях-шиямки, автобус орзулари рубёга чиқмаганлар ихтиери-да қолган экан, уларни уйла-рига қайтариб келди.

ВОЛЕЙБОЛ 100 ЁШДА

1895 йили Америкадаги коллежлардан бирининг ўқи-тувчиси Уильям Морган ўз ўқувчиларига тўпни сеткадан ошириш уйинини ургатган эди. Мана юз йилдирки, миллионлаб кишилар спорт саройларида, майдонларида ва дам олиш жойларида во-лейбол билан шугулланиб келишади. Собиқ иттифок республикалари ичида Рос-сияда 1923 йили биринчи маротаба волейбол мусоба-қаси расмий тарзда ўтказил-ган эди.

ДОМИНО МУСОБАҚАСИ

Краснодарда яқин кунлар ичида домино бўйича Россия Федерациясининг мусобақа-си бўлиб ўтади. Шу мақсад-да бу ерга таниқли ҳажвчи киноактёр, Россия домино уйинлари уюшмаси прези-денти Евгений Моргунов кел-ди.

Домино уйнаш киноактёр-нинг энг сеvimли машғуло-ти бўлганлиги сабабли у до-мино президенти этиб сайланган экан. Машҳурлик нималарни олиб келмайди дейсиз.

ҲАНУЗГАЧА ТУТҚИНДА

Халқаро рейсда учиб кет-ган татаристонлик 7 нафар учувчи афгонистонлик толи-бончилар томонидан Қанда-ҳор шаҳрида ҳанузгача тут-қинда ушлаб турилибди. Уларнинг йулига куз тикаёт-ган оила аъзолари эса тур-муш ўртоқларининг машола-рини ўз вақтида олиб туриш-моқда. Лекин эрларининг қа-чон қайтишлари ҳақида би-рор ижобий хабар йўқ.

АРОҚ ВА НОННИНГ БОЗО-РИ ЧАҚҚОН

Воронеждаги қишлоқларда жойлашган савдо дуконлари-ни айланиб чиққан киши со-тувчиларнинг нолишини эши-тишдан қарчайди. Чунки бу ерларда савдога чиқарилган саноат моллари йиллаб хар-ид қилинмасдан қолиб кет-моқда. Сотувчиларнинг таъкидлашича, фақат ароқ билан нонга аҳоли талаби қатна экан.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

ҚЎҒИРЧОҒИМ — ОВУНЧОҒИМ

утишни лозим топдик.

«Қўғирчоқ» сўзи 1750 йилдан бошлаб ижтимоий ҳаётда кенг қўлланила бошлан-ган. Қўғирчоқларнинг пайдо бўлиши та-рихи ҳақида аниқ маълумот бўлмасда, у жуда қадимий, тахминан 3000 йилдан ор-тиқ тарихга эга уйинчоқ эканлигини ман-балардан билиб олса бўлади. Қўғирчоқ ҳар бир мамлакатда турлича номланиб келинган. Масалан, Америкада «қўғир-чоқ», «чақалоқ» ёки «кичик қизча» деб аталган. Дарвоқе, «Қўғирчоқларнинг деяр-ли барчаси қиз ёки аёлга ўхшатиб яса-лишининг сабаби нимада?», деган савол ту-ғилиши ҳам мумкин. Маълум бўлишича, ҳиндларнинг қадимги санскрит тилида «қўғирчоқ» сўзи — кичик она деган маъ-нони англатган. Шу сабабли ҳам қўғирчоқ-ларда кўпроқ қиз ёки аёл рамзи акс этиб келган.

Гарчи биринчи қўғирчоқни ким ясаган-лиги ҳақида тарих гувоҳлик бермасда, ибтидоий жамоа тузумида одамларнинг инсон танасини эслатувчи тош ёки ёғоч бўлагини топиши қўғирчоқнинг юзага ке-лишига сабаб бўлган, деган тахминлар бор. Худди уша пайтларда қўғирчоқни бо-ла туғул, бошқалар ҳам қўғирчоқ олиши мум-кин бўлмаган. Чунки маъбудага қиёс қи-линган бундай қўғирчоқларда жуду қоч-бор дея ҳайқишган. Ҳатто баъзи қаби-лалар ёғочдан қилинган қўғирчоқларга «ёвуз элф» (мифэлф — одамчалар) деб қарашган.

Энг қадимий қўғирчоқлар «Паддл» (эш-как) дея аталиб бундан 3000 йил муқад-дам мисрликлар томонидан ясалган. Ҳо-зирда ҳам Лондондаги музейда бундай қўғирчоқлар намунаси сақланмоқда. «Па-ддл» деб ном берилишига сабаб, қайқк учун ясалган эшакни йўниб, одам шак-лига ўхшатиб ишлов берилиб, бўялган. Қизиги шундаки, қадимги Мисрда сарта-рош, қизикчи, ошпаз, актёр ва музикачи қа-зо қилса, уларни бир қанча қўғирчоқ-лар билан кўмиш расм бўлган. Гўёки, на-риги дунёда марҳумнинг руҳи безовта-лиги, ёлғизлиги қолмаслиги учун...

Археологик қазимашуwr чоғида қадим-ги Грек, Рим мақбараларидан қўғирчоққа ўхшаган турлича шакллар топишган. Аниқ-ланишича, бу шакллар ёғоч ёки лойдан ясалган экан. Тарихнинг гувоҳлик бери-шича, грекларнинг, римликларнинг энг қа-димий қўғирчоқлари лойдан ясалиб, аёл шаклида бўлган. Чунки қадимдан греция-лик ёки римлик қизлар турмушга чиққун-ларига қадар қўғирчоқ уйнашган. Турмуш-га чиқаётган қизлар эса балагоатга етма-

ги, бу қўғирчоқ «колониал» қўғирчоқ ҳам дейилади. Чунки 1699 йилда Вилям Пенн исмли киши Англиядан Филадельфия-га, қизи Летишага сюрприз тариқасида қўғирчоқ олиб келади. Ва шу тариқа Аме-рикадаги илк қўғирчоқлар «Летиша Пен-н» номини олади. Яна бир машҳур «ко-лониал» қўғирчоқ Мехетайбл Ходж ёки Са-лем қўғирчоғи деб юритилади. Бу қўғир-чоқни 1824 йилда Америкага капитан Га-мализел Ходж қизчасига совга сифатида келтирган.

Куп йиллар давомида америкалик қиз-лар асосан Европада олиб келинган қўғир-чоқларни уйнашган. Айниқса, XIX аср бошларига келиб Америкада болаларни-нг асосий уйинчоғи қўғирчоқ бўлиб қол-ди. Натижада фабрикалар қизчаларга етарли қўғирчоқлар ишлаб чиқара олма-ди. Ва қўғирчоқларнинг аксарияти Евро-пада олиб келинган. Уша пайтларда Аме-рикада афт-ангори ҳақиқий одамга ўхшаб ясалган, «Пенни» дея номланувчи икки инч (бир инч — 2,54 см) баландликдаги қўғирчоқ машҳур бўлган. Америка оила-ларининг деярли барчасида фақат шу қўғир-чоқ уйналган. 1870 йилгача америка-лик қизчаларнинг кўпчилиги фақат қиз-ларга ўхшайдиган қўғирчоқларни яхши ку-риб уйнашган. Уғил болаларга ўхшаган қўғирчоқларни унчалик ёқтиравермаган-лар. Мумкин қилинган қўғирчоқнинг энг яхшиси эса Америкага Англиядан келти-рилган.

XX асрнинг бошларига келиб, овоз чи-

қирчоқларнинг тантанали байрами нишон-ланиб келинади. «Қўғирчоқлар фести-вали» дея аталувчи бу тантана ҳар йилининг учинчи ой, учинчи кунда бошланиб, уч кун давом этар экан. Гоҳида бу байрам қизлар фестивали ҳам деб юритилади. Чунки япон қизларининг бари қачон ту-ғилганларидан қатъи назар ўз туғилган кунларини шу байрамда нишонлаганлар. Англиянинг баъзи ҳудудларида ҳам бун-дай фестивал мавжуд экан. Яъни ҳар куз-да одамлар маккажўхори қўғирчоқдай кўтариб, байрам қилишаркан.

Белгияда ҳар бир гўдакка тезроқ тиш чиқсин дея ирим қилиниб, махсус қўғир-чоқлар берилган. Африканинг Конго да-рёси ҳавзасида балиқчилар ўзлари би-лан овга ирим қилиб қўғирчоқ олиб бо-ришаркан. Гўёки қўғирчоқ уларни қўчиб кетиш хавфидан сақламыш... Кореянинг шарқида ҳам қўғирчоқ бахт рамзи деган тушуна мавжуд.

Ҳар бир давлатда болажонларнинг на-фақат сеvimли қўғирчоғи, балки сеvimли кўғирчоқ қаҳрамонлари ҳам бор. Ма-салан, Италияда — Пулчинелла, Англия-да — Панч, Францияда — Полишинел, Германияда — Гансвурст, Голландияда — Пикелгеринг, Чехословакияда — Кашпа-рек, Россияда — Петрушка ва ҳоказо.

Хуллас, қўғирчоқ-заминимиз қўғирчоғ-у, уйинчоқларга тўла бўлиб, болажонлар-миз улардан завқланиб юраверсинлар.

Алижон САФАРОВ

